



“Марказий Осиёда *in situ/on farm* шароитида
агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш
(мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари)”
Bioversity International/UNEP-GEF лойиҳаси

Ўзбекистонда бодомни боғтипида плантацияларини барпо қилиш бўйича

ТАВСИЯЛАР

АБДУРАСУЛОВ А.А.



Ташкент 2010

“Марказий Осиёда *in situ/on farm* шароитида
агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш
(мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари)” Bioversity
International /UNEP-GEF лойихаси

**Ўзбекистонда бодомни боғ типида
плантацияларини барпо қилиш бўйича**

ТАВСИЯЛАР

АБДУРАСУЛОВ А.А.

Тошкент 2010

Ушбу тавсиялар “Марказий Осиёда “In situ/On farm шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиши (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари)” регионал лойиҳаси натижалари бўйича ишлаб чиқилган. Лойиҳа Қозогистон, Қиргизистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистонда амалга оширилмоқда ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг атроф-муҳитни муҳофазалаши дастури (UNEP) кўмагида Глобал Экологик Фонди (GEF) орқали молиялаштирилиб, Bioversity Internationalда мувофиқлаштирилади.

Ушбу тавсиялар қ.х.ф.д., профессор Кайимов А.К. умумий таҳрири остида Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот Институти илмий ходими қ.х.ф.н. Абдурасулов А.А. томонидан тузилган. Бундан тоголди ва тогли ерларда бодом плантацияларини боғ типида барпо этишда ўрмон хўжалиги ходимлари, фермерлар ва ижарачилар амалий кўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

“Марказий Осиёда *in situ/on farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари)”
(Ўзбекистон компоненти)

Bioversity International UNEP-GEF лойиҳасини амалга ошириш Миллий бўлими. Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг генетика ва ўсимликларнинг экспериментал биологияси институти.

Манзил: 111226 Тошкент вилояти,
Қиброй тумани, Юқори-Юз махалласи
Тел./Факс: (+99871) 2647801
Эл.почта: abd_uzbek@mail.ru

М У Н Д А Р И Ж А :

| | |
|--|-----------|
| Кириши | 4 |
| 1. Истиқболли маҳаллий бодом навларининг агробиологик тавсифи | 6 |
| 2. Бодом плантацияларини яратиш агротехникаси | 10 |
| 2.1. Кўччат етишиши | 10 |
| 2.2. Бодом кўччатларини жойлаштириши | 11 |
| 2.3. Бодом кучатларини экиши | 12 |
| 2.4. Шакл бериш | 13 |
| 2.5. Ўзитлаш | 14 |
| 2.6. Ҳосилни йигиши | 14 |
| 2.7. Касаллик ва зарапкунандаларга карши курашиши чоралари | 15 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: | 16 |

Кириши

Бодом - жанубий, субтропик ўсимлиқдир. У Марказий Осиё, Ўрта Ер денгизи, марказий Америка, бир қатор Европа мамлакатларида (Италия, Франция, Крим, Кавказ орти) тарқалган.

Бодом иссиқсевар, курғоқчиликка ўта чидамли, ксерофит ўсимлик бўлганлиги сабабли йилига 500-700 мм дан зиёд ёгин ёғадиган Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг тоғ ва тоголди кияликларида қадим замонлардан бери ўсиб ҳосил бериб келади. Бу ерларда янгидан барпо қилинган бодомзорлардан ташқари табиий ўрмонларда ёввойи ҳолда ҳам ўсади. Бу ерларда уларнинг оддий (маҳалий), Бухоро, Петунников, Тиканли, Калмиков деб аталиш.

Бодом навлари мавжуддир жуда қимматли бўлиб, ундан ҳалқ хўжалигининг кўп тармоқларида фойдаланилади. Данаги котмаган хом бодомни шакарга қўшиб ёки мураббо тайёрлаб истемол қилиш фойдалидир. Ширин мағизли бодом 40-70% еғ, 20-25% оқсил, 6% шакарга эга бўлиб, турли дармондори, органик моддаларга бой бўлади ва кондитер саноати учун қимматбаҳо хом ашё хисобланади. Қунжарасида 10% гача мой ва кўп микдорда оқсил ва углеводлар бўлади. Тақир бодом таркибида ёғ, оқсил, шакардан ташқари 2-2,5% амигдалин бўлиб, парфюмерия саноатида ва медицинада кенг қўлланилади. Бодомнинг пўсти газ ютадиган кумир тайерлашда, виночилиқда винога хушбўй хид, сифат ва там беришда фойдаланилади. Бодом пўчофининг кулида 40% гача калий ҳосил бўлади ва ўғит сифатида фойдаланилади. Бодом ёғочи жуда қаттиқ ва чиройлидир, шунинг учун дурадгорликда ва техника учун қимматли ашё хисобланади.

Бодомнинг илдиз системаси 6 метр чуқурликгacha боради, курғоқчиликка яхши чидайди ва тоғ-ўрмон мелиорация ишларида ҳам муҳим рол уйнайди. У курғоқчиликка ғоят чидамли бўлиб, ер танламасдан, сувсиз, тошлоқ ва тоғнинг унумсиз жанубий ён бағирларида ҳам яхши ўса олади.

Бодом 3-4 ёшидан ҳосилга киради, 12-18 ёшидан 35-40 йилгача яхши ҳосил беради. Яхши парваришланса 60-100 йил яшаб ҳосил бериши мумкин. Бодом кўчати кузда ёки эрта баҳорда экилади. У ёруғликка талабчан бўлганлиги сабабли қалинликни ёқтирмайди, таркибида оҳаги бўлган соз тупроқларда яхши ривожланади. Бир туп дараҳтининг ҳосилдорлиги 3-4 кг дан 10-20 кг гача етади. Маълумотларга караганда энг кўп ҳосил қилган йиллари 30-40 кг гача ҳам бўлган.

Бодомнинг бундай хусусиятлари Республикамизнинг тоғ ва

тогоғолди лалмикор худудларидаги давлат ва нодавлат хўжаликларини хар томонлама қўллаб-кувватлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, иқтисодий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

2006-2009 йиллари Республикализнинг бир қатор фермер-дехқон хўжаликлирида ЮНЕП-ГЭФ/ Bioversity International лойиҳаси асосида маҳалий бодом навларини *in-situ/on farm* шароитида, биоҳилмаҳилликни сақлаш ва улардан фойдаланиш холатлари ва чора тадбирлари ўрганиб чиқилди ва натижада кўпчилик худудларида бодомнинг ҳар ҳил маҳалий навлари ва шакллари кенг тарқалганлиги аниқланди, уларни ўсиш манзиллари белгиланди.

Янги бодомзорлар барпо қилишда экиладиган навларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ширин бодом навларининг ҳилмаҳиллиги ғоят турлидир. Бодомнинг энг сифатли, истиқболли, навлари серҳосил, меваси йирик, пўчоғи юпқа ва мағизининг миқдори юкори бўлади.

Бодом пўчоғининг қаттиқлигига қараб тўртта тоифага бўлиш мумкин:

1. Ғалвирак бодом. Пўчоғи қоғоздек юпқа, икки бармоқ билан енгил чақилади.
2. Пўчоғи юмшоқ, бодом ғовак, иккала қўлнинг бармоқлари ёрдамида чақилади.
3. Стандарт пўчоғли бодом, болға билан сал урганда чақилади;
4. Қаттиқ пўчоғли бодом, пўчоғи қаттиқ, болға билан кучли урганда чақилади.

1. ИСТИКБОЛЛИ МАҲАЛИЙ БОДОМ НАВЛАРИНИНГ АГРОБИОЛОГИК ТАВСИФИ

Республикамиизда бодомнинг юқори сифатли маҳалий ва четдан (АҚШ, Фарбий Европа, Крим, Туркманистон ва бошқа давлатлар) келтирилган унлаб навлари синовдан ўтказилган. Четдан келтирилган навларнинг бир қисми ҳосил сифатидан талабга жавоб берсада, қишиқи ва баҳорги совуқларга деярлича чидаш бермайди. Аммо бир қатор интродуциялаштирилган навлар ичида Ўзбекистон тупроқ ва иқлим шароитига мос келадиган навлари ҳам синовдан ўтказилган. Экиш учун қўйидаги эрта ҳосилга кирадиган, кургоқчилик ва эрта баҳорги совуқларга нисбатан чидамли, ҳосилдорлиги мұтадил, мағзи мазали, бозор талабларига жавоб берадиган бодомнинг қўйидаги истиқболли навлари тавсия қилинади:

Колхозчи маҳалий нави - жойдори нав танлаш йўли билан ажратилган. Кургоқчиликка ўта чидамли. Ҳосилдорлиги дараҳтидан 4,5 кг-дан 13 кг-гача. Пўчоғи юмшоқ, оч жигар рангли, апрел ўрталарида гуллайди, меваси август охирида пишади. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,39 г (418 донаси 1 кг келади), 47,5% мағиз чиқади, 59,9% еги бор, 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 1).

Гўзал маҳалий нави жойдори нав, танлаш йўли билан ажратилган. Март ойининг охири, апрелнинг бошларида гуллайди, меваси августнинг ва сентябрнинг охирларида пишади. Стандарт пучоғли, сомон рангда, мағизи ширин. Ҳосилдорлиги дараҳтидан 12 кг- гача. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,44 г (461 донаси 1 кг келади), 47,1% мағиз чиқади, унда 60,7% ёғ бор, 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 2).



Расм 1. Бодомнинг маҳалий нави
Кохозчи.



Расм 2. Бодомнинг маҳалий нави
Гўзал.



Расм. 3. Бодомнинг маҳалий нави Тян-шон.

Тян-шон маҳалий нави жойдори нав, танлаш йўли билан ажратилган. Эртароқ гуллашига қарамасдан, баҳорги қора совуқларга нисбатан чидамли. Ҳосили йирик ва юпқа, дараҳтидан сугориладиган ерларда 8-10 кг-гача, лалмикор шароитда 4-5 кг-гача ҳосил беради. Мевасининг оғирлиги 2,9 г, 49,2% мағиз беради, ёғлилиги 56,1%, меваси август охирларида пишади. Дараҳти 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 3).

Самарқанд 56 маҳалий нави. Жойдори нав танлаш йўли билан ажратилган. Нокулай об-ҳаво шароитларига чидамли. Қурғоқчиликка чидамли, эрта гуллайди, ҳосилининг пишиш даври ўрта. Дараҳтидан 4-12 кг гача ҳосил беради. Стандарт пўчоғли, оғирлиги 2,38 г, мағизи ширин, миқдори 46,5%, таркибида 54,4% ёғ бор. Дараҳти 3-4 чи йили ҳосилга киради.

Кеч гуллайдиган Бустонлик нави - бодом ва шафтолини чатиштириш йўли билан яратилган. Ҳосилдорлиги дараҳтидан 4-12 кг-гача. Стандарт пўчоғли, оч жигар рангли. Апрелнинг биринчи ярмида (3-15.04) гуллайди, меваси 9-20 сентябрда пишади. Ҳосилдорлиги дараҳтидан 4 кг-дан 12 кг-гача. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,12 г (472 донаси 1 кг келади), 44,1% мағиз чиқади, таркибида 59,6 % ёғ бўлади, мағизи ширин, 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 4.).

Ўзбек галвираги. Жойдори нав, эрта гуллашига қарамасдан кеч кўкламги совуқларга нисбатан чидамли, ҳосили ўртапишар. Пўчоғи қоғати, мевасининг ўртача оғирлиги 1,91 г, мағизи ширин ва миқдори 58,8%, ёғлилиги 57,7% гача, ҳосилдорлиги дараҳтидан 6-8 кг-гача. Дараҳ-



Рис. 4. Бодомнинг маҳалий нави Бустонлик.



Расм. 5. Бодомнинг ўзбек нави Ўзбек галвираги.

Консой - жойдори нав, табий танлаш йўли билан ажратилган. Курғоқчилик ва баҳорги қора совуқларгани сабтани чидамли. Пўчоғи юмшоқ, оч жигарранг, апрел бошлирида гуллайди, меваси август охирида ёки сентябр бошлирида пишади. Ҳосилдорлиги дарахтнинг ўсиш шароитига караб 3-8 кг гача. Меваси- нинг ўртacha оғирлиги 2,09 г. Заветный.

Мағзи бодомнинг 48% ни таш-

ти 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 5).

Заветный – жойдори нав. Кечроқ гуллайди, баҳорги қора совуқларга чидамли. Ҳосилдорлиги юкори, хар йили дарахтидан 4,5 кг-дан-12кг- гача ҳосил беради. Пўчоғи стандарт. Мевасининг оғирлиги 2,16 г, мағизи миқдори 56,6%, ёғ 52,9%, 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 6).



Расм. 6. Бодомнинг маҳалий нави Заветный.



Расм 7. Бодомнинг маҳалий нави Консой.

кил қиласи, таркибида 55% ёғ бўлади, мағизи ширин, 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 7).

Эрта пишар - оддий бодом ва Бухоро бодомини чатиштир йўли билан яратилган. Стандарт пўчоғли, оч жигаррангли. Мартнинг охири, апрелнинг бошларида гуллайди, меваси июннинг охирида, августнинг бошларида пишади. Ҳосилдорлиги юкори, дарахти-

дан 3 кг дан 12 кг гача. Мевасининг ўртача оғирлиги 1,96 г (448 донаси 1 кг келади), магиз чиқиши 37,7%, таркибида 58,5% ёғ бор, 3-4 чи йили ҳосилга киради.

Қиличнусха. Бу нав бодом билан шафтолини чатиштириш йўли билан олинган дурагай. Қурғокчилик ва совукқа чидамли, 5-20 апрелда гуллайди, меваси жуда кеч - 17-28 сентябрда пишади. Ҳосилдорлиги дараҳтидан 3-12 кг-гача, юкори сифатли, мевасининг ўртача оғирлиги 2,09 г, (532 донаси 1 кг келади), магизи 53,9% ни ташкил қиласди, 59,9%

ёғ бор. Пўчоғи юмшоқ, оч жигарранг, магизи ширин. Дараҳти 3-4 чи йили ҳосилга киради (расм 8).

Булардан ташқари янги Давлат навсинаш инспекциясига синаш учун топширилган бодомнинг истиқболли Малика ва Зарина навлари ҳам дикқатга сазовордир.

Малика нави - чатиштириш йўли билан яратилган. Қишиқи ва эрта баҳорги совукларга нисбатан чидамли. Кеч гуллайди, ҳосили сентябр бошларида пишади. Юқори ҳосилли - дараҳтидан ўртача 8-9 кг гача ҳосил беради. Мевасининг пўчоғи юпқа, ўртача оғирлиги 2,02 г, магизи ширин, чиқиш миқдори 46,9%, ёғ миқдори 59,8%. Дараҳти 3-4 йили ҳосилга киради, касаллик ва зааркунандаларга чидамли (расм 9).



Расм. 9. Бодом нави Малика.



Расм.8. Бодомнинг маҳалий нави Қиличнусха.



Расм. 10. Бодом нави Зарина.

Зарина - уругидан етиштирилган қўчатлар орасидан танлаш йўли билан ажратилган. Кеч гуллаши сабабли эрта баҳорги совукларга чи-

дамли. Дараҳтидан 9-11 кг-гача ҳосил беради, меваси сентябрнинг охиrlарида пишади. Меваси жуда йирик, стандарт пўчоғли, ўртacha оғирлиги 6,24 граммгача, мағизи миқдори 37,8%, ёғлилиги 59,7%. Пайвандланган кўчатлари 3-4 йилдан ҳосилга киради. Касалликларга нисбатан чидамли (расм 10).

2.БОДОМ ПЛАНТАЦИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ

АГРОТЕХНИКАСИ.

2.1. Кўчат етишишириши

Бодом уруғидан купайтирилади, аммо уруғидан кўпайтирилган бодомнинг нав сифати яхши сакланмайди, шунинг учун пайвандлаш йули билан маданий навларини етишириш лозим булади.

Бодомнинг маданий навларини етишишириш учун оддий тақир бодом энг сифатли уруғ (пайвандост) ҳисобланади.



Расм. 11. Бодом кўчатзори.

Айрим холларда буйи паст (пакана), кургокчиликка нисбаттан чидамли кучатлар етишишида пайванд ост сифатида бодомнинг Бухоро ва Тиконли турларидан хам фойдаланилади. Тахир бодом уруглари соглом, йирик дараҳт- лардан тайерланади. Уругларни ерга кузда еки эрта баҳорда маълум чукурликда сепилади. Баҳорда экиш учун уруг страти- фикация килинади, яъни пучогининг калин- юп калигига караб 1- 1,5 ой мобайнида кумланади. Экиш миқдори гектарига 300- 350 кг.

Кўчатзор барпо қилиш учун сугориладиган, текис ер ажратилиб, кузда гектарига 20-25 тонна чириган гўнг ва 150-180 кг фосфорли ўғит солиниб 45-50 см.гача чукурликда хайдалади, 15-18 см культивация қилиниб борона қилинади. Оралиги 70 см бўлган эгатларга 6-8 см чукурликда ва 8-12 см масофидагурулар қадалади. Об- хаво шароитига караб усиш даврида 8-12 марта сугорилади. Кўчат қатор оралиги ҳар бир сугоришдан кейин юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади.

Пайвандлаш олдидан кучатзор албатта сугорилади ва танаси паст- ки бачки новдалардан тозаланади. Бодом июлнинг учинчи декада-


сидан сентябрнинг биринчи декадасигача, мевачиликда кулланадиган оддий «Т»-усулида уланади (расм 12). Икки хафтадан сўнг пайванднинг тутган ёки тутмаган миқдори аниқланади ва тутмай қолганлари бодомнинг пайвандостга олдин уланган ўша нав куртаги билан қайтадан пайвандланади. Кузда пайванд боғлами бир оз бўшатиб кўйилади ва қиши давомида боғланма олиб ташланмайди. Келгуси йил эрта баҳорида кўчатнинг пайванд қилинган жойидан тепа қисми батамом кесиб ташланади. Тутмай қолган пайвандлар ўрнига янги ўсиб чиқсан куртакларни қайта пайванд қилиш мумкин бўлади.

Келгуси йилнинг эрта баҳорида боғлам олиб ташланади. Кўчат тез ўсиши ва пайванд яхши тутиши учун кўчатларни ўз вақтида ва сифатли парваришлаш лозим. Кўчатларнинг ўсиш даврида гектарига 90 кг азотли, 60 кг фосфорли ва 20 кг калий ҳисобида ўғит солинади. Куртакларнинг тўғри ва ёш новдаларнинг тез ўсишини таъминлаш учун еввойи шоҳларни ўз вақтида бутаб туриш лозим. Яхши парвариш қилинган ниҳолларни бўйи кузга бориб 1-1,5 метрга етади, усув даврини яхши тугаллади.

2.2. Бодом кучатларини жойлаштириши



Расм. 13. Бодомзор.



Расм. 12. «Т»-усулида пайвандлаши схемаси.

Бодом ўсимлигининг характерли хусусияти - жуда эрта гуллаши. Шуннинг учун тупроқ ва иқлим шароитлари ўзгарувчан шароитларда бодомнинг генератив органларига кўпинча баҳорги қора совуклар катта зарар етказади. Шуларни инобатга олган холда янги бодомзорлар ташқил этиш мақсадида, тоголди ён багирликларидан ҳаво яхши алмасиб турадиган, савук ҳаво қамалиб қолмайдиган жойлар ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бодом ўсимлигининг еруғликка ўта талабчанлигини инобатга олган холда, экиладиган навнинг хусусиятларига, тупроқ- иқлим шароитларига қараб лалмикор ерларда - 6х6, 6х5 м, жанубий енбағирликларда 5х5 м оралиқда, сугориладиган текис ерларда эса - 8х8, 8х6 м оралиқда жойлаштирилади.

2.3. Бодом күчатларини экиши

Бодом учун энг яхши тупроқ, таркибида охаги бўлмаган, сувни яхши ўтказадиган кумоқ ва буз тупроқлар ҳисобланади. Бодом кам унум, қуруқ тупроқларда хам ўсиши мумкин, лекин бундай тупроқларда юқори агротехника тадбирларини қўллаш лозим бўлади. Ерларга хайдашдан 1-2 ой олдин органик ва минерал ўғитлар солинади. Бунда тупроқ шароитига қараб гектарига 25-30 т чириган гунгга 300-350 кг фосфорли угит аралаштириб солинади ва ер 50-60 см-гача чуқурлиқда хайдалади, паст-баланд жойлар текисланади. Шагалли қатлам, ер бетига яқин бўлса, ер шу қатламга етар-етмас хайдалади. Дараҳтларнинг четдан чангланишини таъминлаш мақсадида хар бир майдонга камида 2-3 хил нав экиш лозим. Кўчатлар 60х60 см.лик чуқурчаларга экилади. Кўчат экканда илдиз бугими ер сатхи билан баробар бўлиши лозим. Бордию илдиз бугими чуқурроқ жойлашса, кўчатларнинг ўсиши сусяди, ер сатхидан баланроқ жойлашса, кўчатлар қуриб қолиши мумкин. Кўчат экишда тупроқнинг намлигидан қатъий назар хар бир тупга 1-2 челак сув билан сугорилса яхши натижа беради.

Террасаланган лалмикор енбағирликларда намни қўпроқ сақлаш мақсадида қатор оралари ва дараҳт атрофини тез-тез юмшатиб турилади, похол, сомон ва бошка ўсимликлар колдикларидан мулчалар ҳосил килинади.

Ёш кўчатларнинг парвариши асосан сугоришдан иборат бўлиб, ўсиш даврида камида 6-8 маротаба сугорилади. Апрел, май, июн ва сентябр ойларида камида бир маротиба, ивол, август ойларида эса икки-уч маротаба сугориш тавсия қилинади. Кумоқ-шагалли ерларда экилган ниҳоллар нисбаттан купроқ сугорилишни талаб эйтади. Кўчатлар атрофи хар бир сугориш ёки қаттиқ ефингарчиликдан сўнг юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Ёз пайтлари сув камчил бўладиган худудларда қишида 1-2 яхоб суви бериш хам тавсия қилинади. Бундай муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш лалмикор ерларда катта ахамиятта эгадир.

Дараҳтлар ҳосилга қиргандан кейин сугориш миқдори тўрт марта-гача қисқартирилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳосил териб олинган-

дан сўнг ва қишида бир мартадан сугорилади. Бу холда дарахтлар усув даври бироз чўзилади ва бодомнинг кўкламда бироз бўлсада кечроқ гуллашини таъминлайди.

Лалмикор ерларда асосий эътибор тупроқда кўпроқ нам ийгиш ва сақлашга, бегона утлардан холи бўлишига каратилиб, ефингарчиликлардан сўнг тупроқ доимо юмшатилиб турилади, куз ва эрта баҳорда қатор оралиги хайдалади, кўчат атрофи чопилади.

Биринчи беш йилда дарахт қатор ораларини 40-50 см, хосилга қиргандан сўнг эса 25 см гача чукурликда хайдаш лозим.

2.4. Шакл берииш

Бириинчи 2-3 йил давомида бодом дарахтининг шох-шаббаларига узгарувчан лидер ёки пирамида шаклида, кўп шохловчи навларга эса очиқ косасимон холатда шакл берилади. Шакл беришда марказий лидер новда ва шохчалар ўртасидаги ўзаро тобе мутаносиблик сақланиши лозим. Дастребки асосий шох кўчат илдиз бугинидан 60-70 см баландликда, кейингилари эса - хар 20-30 см оралиқда 90-120 градус бурчак остида спирал шаклда қолдирилиб қирқилади.

Ёш дарахтлар шох-шаббасининг ичкари томонидан усиб чиққан ортиқча новдалари аста-секин олиб ташланади.

Ёш мевали дарахтларнинг новдаларини 3-4 йил жуда қисқартириб кесилиши тавсия қилинмайди, чунки бу холат уларнинг ўсишини кескин кучайтириб юборади ва хосилга киришини кечикитиради.

Хосилга кирган боғларда кесиши ишлари шикастланган, қуриган, зарарланган шохла- рини қирқиб сийраклаштириб боришдан иборат булади. Суст ўсувчи ва кам хосил берувчи 30-35 ва ундан катта ёшдаги боғларда ёшартириш ишларини олиб бориш лозим, яъни эрта баҳорда (феврал-март) дарахтларнинг 2-4 яшар шохларини қисман кемтиклана-ди ва уйқуда ётган куртаклардан янги новдалар ўсиб чиқиши таъминланади. Булар ҳисобига қариган дарахтларнинг шох-шаббалари тикла-ниб, яна бир неча йил хосил беришни таъминлайди.

Пайванд қилинмай ўтказилган кўчатларни, хамда ёввойи бодом дарахтларини сифатли навлар билан жойида пайвандлаш ҳам мумкин. Бунда 5-6 ешли дарахтлар тезда ўсиб турган ёки уйғонмаган куртак билан танасига ёки илдиз бўйнига пайванд қилинади. Кўчатлар шох-лаб кетган бўлса, пайвандуст унинг асосий шохига уланади ва ортиқча шохлар эса кесиб ташланади. Тагидан ўсиб чиққан бачки новдалари бутаб турилади. Меърида парваришланган дарахтлар 2-3 йилдаёк хосилга кириши мумкин.

2.5. Ўғитлаш

Ўғитлаш миқдори ва вақти дарахтнинг ёшига, тупроқ унумдорлигига ва бошқа факторларга боғлик бўлади. Мўл хосил етишириш мақсадида бодомзорларга чириган гунгга минерал угитлардан кўшиб солинса яхши натижа беради. Кўчатларнинг яхши ўсиши ва ривожланishi учун 4-5 ешгача хар бир кўчат (дараҳт) хисобига 4-6 кгдан органик ўғит ва 60- 80 г аммофос ўғити солиш тавсия қилинади. Суст ривожланаётган ёш ниҳолларга хар 1 кв. м. хисобига 4-5 г соф фосфор, 2-3 г соф калий ва 4-5 кг-дан органик ўғит солиш лозимdir. Агарда органо-минерал ўғитлар биргаликда солинса, озуклантириш миқдори 1,5-2 баробарга қисқартирилади. Беш ёшдан катта боғларга минерал ўғитлар хар йили гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 40-60 кг калий ва 20-30 т чириган гунг (2-3 йилда бир марта) хисобидан 30-40 см чуқурлиқда берилади. Органик, фосфор ва калий ўғитлари кузда ерни шудгорлашдан олдин- октябр- ноябр ойларида берилса, азотли угитлардан учдан бир қисми кузда, колган қисми эса эрта баҳорда ва езда, лалмикор ерларда март-апрел ойлари, сугориладиган ерларда эса март-апрел ва июн ойларида 12-14 см чуқурлиқда солинади.

Лалмикор ерларда ўғитларни ўз вактида солиш муҳим аҳамиятга эга. Ёш боғлар экишдан олдин етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар билан таъминланган бўлса, 2-3 йил давомида ўғит солинмаса, ёки ўғит меъерининг 2/1 қисми солинса ҳам бўлади, чунки ортиқча солинган ўғитлар ёш дараҳтларни говлатиб юборади ва дараҳтларга шакл беришда бирмунча қийинчилик туғдиради.

2.6. Хосилни йигиши

Бодомни териш мевасининг пусти куриб ёрилабошлигандамалга оширилади. Хосилни муддатидан олдин йигишга киришилса бодом сифати пасаяди ва пустини ажратиш анча мушкуллашади. Бордию хосилни йигиш муддати кечикирилса пусти куриб данагига епишиб қолади, бодом ранги қунгир тус олади, паррандалар ва кемирувчилар томонидан заарланади. Бодом хосилини узун ходалар ёрдамида дараҳт остига ейилган бужкомалар устига қокилади. Қокиш вактида мева шохлари ва куртакларнинг шикастланишига иложи борича йул кўймасликка характерат қилиш лозим. Йигилган хосил пустидан тозаланилади, навларга ажратилади, офтобда 4-5 кун қуритилади ва хаво алмаша диган салқин омборхоналарда куттиларда сакланади. Уруғлик ёки истеъмол учун 2-йил- гача сақлаш мумкин.

2.7. Касаллик ва зааркунандаларга карши курашии чоралари

Бодомнинг асосий зааркунандаларидан бири- шафтоли еки бодом бити бўлиб, дараҳтнинг тана, новда ва барглари ширасини суради, на-тижада дараҳт нимжонланади, барги бужмаяди, хосили пасаяди, ёш кўчатлар ва новдалар нобуд бўлиш даражасигача ётиб боради. Бодом-нинг асосий касалликлари - клястероспориоз (замбуругли, тешикли догланиш касаллиги) - бунда дараҳтнинг куртаги, барги, гули, шохи ва новдаларини заарлайди. Касаллик дараҳт хосилини камайтиради, мева сифатини пасайтиради. Бахорда баргларда думалоқ доғлар ва тешикчалар пайдо булади. Хосилда кунгир тусли шишлар пайдо бўлиб, елим оқиб чиқа бошлайди, куртаклар қурий бошлайди. Новдаларнинг пустлоги ёрилиб елим чиқаради, гуллари ва довчалари тукилиб кетади.

Ун шудринг касаллигида новдаларнинг уч қисмида, баргларида оқ унсимон губор пайдо булади, натижада новдалар мева беришдан, барглар эса ривождан колади. Касаллик ёш новдаларда кишлайди ва апрел ойларидан бошлаб ривожлана бошлайди.

«Барг қуиши» касаллиги бодом баргларида қизгиш доғлар пайдо қиласи, улар барвақт тукила бошлайди, «барглар қуиши» ва ун шудринг хисобланади.

Зааркунандаларга қарши эрта баҳорда, куртаклар буртишидан олдин нитрофен билан (10 л сувга 250 г қушиб) пуркалади. Дараҳтларнинг тана ва новдалари карбофос (100 л сувга 250 г) еки 0,2 %-ли донитол (гектарига 2-2,5 кг) билан ишлов берилади.

Касалликларга карши бордо суюқлигининг 1,0%-ли эритмаси (гектарига 10-15 кг), ветрани ёки топазнинг 0,03% ли эритмаси (гектарига 300 г) пуркалади. Ун шудрингга қарши коллоидли ёки дисперсли олтингугуртнинг 1% ли концентрацияси (10 л сувга 80-100 г) билан ишлов берилса яхши натижа беради.

Агротехник чора- тадбирлардан- бօғ қатор оралари шудгор қилинади, дараҳтлар атрофи юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади, куриган, шикастланган, зааррланган шох-шаббалар кесилиб куйдирилади, дараҳт танаси (штамб) оқартирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.А.**Абдурасулов, С.С.Калмыков.** Агротехника и лучшие сорта орехоплодных культур. Ташкент. 1985.
2. А.А.**Абдурасулов.** Миндаль в Узбекистане: гибридные сорта. Ж. «Садоводство и виноградарство». № 2. 2005.
3. А.А.**Ханазаров, А.А.Абдурасулов, Я.Х.Юлдашев.** Состав и перспективы развития миндаля в Узбекистане. «Аграрный вестник Узбекистана». № 4. 2006.
4. М.М.**Мирзаев, М.Ю.Джавакянц и др.** Каталог сортов плодовых, ягодных, цитрусовых, орехоплодных культур и винограда. Ташкент: Фан. 2006.
5. <http://www.vashsad.ua/rus/about.html>

